# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

25 июль куни КПСС Марказий Комитетида СССР Қурилиш банки ва унинг республика конторалари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда КПСС XXVII съезди талабларига мувофиқ капитал қурилишда хўжалик механизмини такомиллаштириш, хўжалик ҳисоби асосида ўзаро муносабатларни тартибга солиш, инвестиция жараёни барча қатнашчиларининг иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, қувватлар ва объектларни ишга туширишда белгиланган планларни бажариш, қурилиш муддатини қисқартириш, унинг сифатини ошириш, материал сарфи ва қурилиш қийматини арзонлаштириш ва юксак пировард натижаларга эришишда уларнинг ролини ошириш соҳасида молия органларининг вазифалари кўриб чиқилди.

Қурилиш банки муассасаларининг пудрат шартномалари системасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга таъсирини кучайтириш, белоруссиялик қурувчиларнинг барқарор нархларни қўлланиш соҳасидаги ижобий тажрибасини кенг ёйиш, коллектив пудрат методини жорий этиш, норматив муддатларда объектлар қуришга тезроқ ўтиш, буюртмачилар ва пудратчилар фаолиятига иқтисодий таъсир чораларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Қурилишларни маблағ билан таъминлаш ва уларга кредит бериш, қурилиш ташкилотларининг хўжалик, молиявий фаолиятидаги мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этиш, шунингдек план интизомини мустаҳкамлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Н. Зайков нутқ сўзлади.

(ТАСС).

# СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
## Уругвай ташқи ишлар министрини қабул қилди

25 июль куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико Кремлда Шарқий Уругвай Республикаси ташқи ишлар министри Энрике Иглесиасни қабул қилди.

А. А. Громико СССР билан Уругвай ўртасидаги алоқаларни таърифлаб, суҳбатни қуйидаги сўзлар билан бошлади:

— Ўтган 60 йил мобайнида биз сизлар билан икки томонлама муносабатларимизга яхши замин тайёрладик. Аммо, ҳарқалай бу ишни давом эттириш мумкин. Иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бу юбилейи бир ойдан кейин нишонланади. Уругвай ёш Совет давлати билан дипломатия муносабатлари ўрнатган Жанубий Америкадаги биринчи мамлакат бўлганлигини Совет Иттифоқида унутилгани йўқ.

Томонлар чуқурлашиб бораётган сиёсий мулоқот, Уругвайни СССРнинг Лотин Америкасидаги савдо-сотиқ соҳасидаги шериклари орасида дастлабки ўринлардан бирига олиб чиққан салмоқли товар обороти иккала давлат ўртасидаги ҳозирги муносабатларга хос хусусият эканлигини таъкидладилар. Маданий ва спорт алоқалари ривожланмоқда.

А. А. Громико инсоният учинчи минг йиллик бўсағасида дуч келаётган проблемаларга тўхталиб ўтди.

КПСС XXVII съездининг қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг баёнотлари ва нутқларида Совет Иттифоқининг ҳарбий хавф-хатарга қарши кураш программаси ифодалаб берилган.

А. А. Громико мазкур программани баён этиб шундай деди:

— Халқлар тинчлик ва кескинлик юмшатилишини талаб қилаётган бир вақтда, мухолифлик сиёсатини ўтказишни мақсад қилиб қўйган сиёсатдонлар қуролланиш пойгасини қўллаб-қувватламоқдалар. Тинчлик йўлини ўтказиш зарурлиги — ҳаммага маълум ҳақиқатдир. Бироқ қуролланиш пойгасининг ҳомийлари қуролланиш учун тобора янги-янги маблағлар ажратилишига эришмоқдалар, натижада ҳарбий ғилдирак тинмай ва тобора жадал суръатларда айланмоқда.

Совет — Уругвай муносабатлари, деди у, ижтимоий тузуми турлича бўлган мамлакатлар бир-бирларининг ишларига аралашмай, ва айни чоғда ҳамкорликни кенгайтиришга интилиб, қай тариқа ҳамкорлик қилишлари мумкинлигини кўрсатиб турганлиги учун ҳам эътиборга сазовордир.

Э. Иглесиас Уругвай ҳукумати Совет Иттифоқининг тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган тинчлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаётганлигини айтди. У шунингдек, Уругвай ҳукуматининг барча мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган актив ташқи сиёсат ўтказишга, қуролланиш пойгасини чеклаш ва тинчликни сақлаб қолиш йўлидаги куч-ғайратларни қўллаб-қувватлашга азму қарор берганлигини изҳор қилди.

А. А. Громико СССР Олий Совети Президиуми номидан Уругвай Президенти Хулио Сангинеттини расмий визит билан Совет Иттифоқига келиш тўғрисидаги таклифни топширди.

Уругвай ташқи ишлар министри Президентга бу таклифни бажонидил маълум қилишини айтди.

Суҳбат самимий, эркинлик вазиятида ўтди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари П. Н. Демичев ҳозир бўлди.

(ТАСС).

# АМАЛИЙ, ХАЙРИХОҲЛИК РУҲИДА

25 июль куни Москвада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе билан Совет Иттифоқига расмий визит билан келган Шарқий Уругвай Республикаси ташқи ишлар министри Э. Иглесиас ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Музокаралар бошланишида Уругвай ташқи ишлар министри Уругвай Президенти Х. М. Сангинеттининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевга йўллаган мактубини Э. А. Шеварднадзега топширди.

Амалий ва хайрихоҳлик муҳитида ўтган музокаралар чоғида ҳозирги халқаро аҳволга доир кўпгина масалалар муҳокама қилинди. Министрлар бир қанча асосий халқаро проблемалар юзасидан қарашларнинг яқинлигини қайд этиб жаҳондаги вазиятни соғломлаштириш, уруш хавфини бартараф этиш, ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва реал қуролсизланишга эришиш мақсадида СССР билан Уругвай баҳамжиҳат куч-ғайрат сарфлашлари зарурлигини айтдилар.

Совет — Уругвай муносабатлари ва уларни ривожлантириш истиқболлари масалаларини кўриб чиқиш чоғида бу муносабатларнинг дўстона характерда эканлиги таъкидланди ва СССР билан Уругвай ўртасида ҳар томонлама алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш юзасидан иккала томоннинг куч-ғайратларига ижобий баҳо берилди. Тенглик, ҳурмат ва ўзаро фойдали асосда сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий соҳаларда икки томонлама муносабатларни жадал ривожлантиришдан томонларнинг манфаатдорлиги тасдиқланди.

Музокаралар тугагандан кейин Э. А. Шеварднадзе ва Э. Иглесиас маслаҳатлашувлар тўғрисида Совет—Уругвай протоколини, маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ва СССР билан Уругвай ўртасидаги муносабатларга доир қўшма ҳужжатлар тўпламини нашр этиш ҳақидаги протоколни имзоладилар.

Э. А. Шеварднадзе Э. Иглесиас шарафига зиёфат берди. Зиёфат вақтида нутқлар сўзланди.

(ТАСС).

# ХХР САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВИСТАВКАСИ ОЧИЛДИ

Хитой Халқ Республикасининг 25 июль куни Москвада очилган савдо-иқтисодий виставкасига анъанавий чойдан тортиб, сунъий йўлдош моделигача, шойи газламалардан то электрон техникагача қўйилган.

ХХР савдо-иқтисодий делегациясининг бошлиғи, халқаро савдо-сотиқни ривожлантиришга кўмаклашувчи Хитой комитетининг раиси Цзя Ши экспозиция очилишида сўзга чиқиб, совет томонига ХХРнинг чет элдаги энг катта виставкаларидан бирини ташкил этишда кўмаклашганлиги учун миннатдорчилик билдирди. У кейинги йилларда иккала мамлакат ўртасида экономика, фан ва маданият соҳасидаги алоқалар кенгайганлигини мамнуният билан қайд этиб ўтди.

Совет—Хитой иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорлиги комиссияси совет қисмининг раиси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов ХХР виставкаси очилишини Совет ҳукумати номидан табриклади.

Бу йил Москва ва Пекинда мамлакатларимизнинг виставкалари ўтказилаётганлиги, деди у, савдо, экономика ва фан-техника соҳаларида Совет—Хитой алоқалари самарали ривожланиб бораётганлигининг яққол далилидир. Ютуқларимиз тўғрисида шундай ахборот айирбошлаш амалий алоқалар янада ўсишига, Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ёрдам беришига ишончим комил.

Виставкани очиш маросимида бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, шунингдек бир қанча чет мамлакатларнинг СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Виставка 10 августга қадар очиқ бўлади.

(ТАСС).

# ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

26 июль куни ўн биринчи чақириқ Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг тўртинчи сессияси бўлиб ўтди. 1986—1990 йилларда Автоном республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш плани ҳамда КПСС XXVII съезди қарорлари асосида халқ хўжалиги комплекси самарадорлигини ошириш юзасидан совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси Д. С. Ёдгоров доклад қилди.

КПСС XXVII съезди қарорлари асосида умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари автоном республикада қандай бажарилаётганлиги ҳам муҳокама қилинди.

Сайловчилар СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар депутатларига берган наказлар бажарилишининг бориши тўғрисидаги ахборот тингланди.

Сессияда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. У. Кунназаров Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси, Т. Каипбергенов автоном республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайланди.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг сессиялар ўртасидаги даврда қабул қилинган фармонлари тасдиқланди.

Сессияда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Саликов нутқ сўзладилар.

* * *

Халқ депутатлари Сирдарё ва Хоразм область Советларининг 26 июль куни бўлиб ўтган сессияларида ўн иккинчи беш йилликда ана шу областларни иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари ҳамда партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми қарорлари асосида халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш юзасидан совет ва хўжалик органларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Сирдарё область Совети сессияси қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати депутатлар доимий комиссиясининг ҳисоботини тинглади. Хоразм область Советининг сессиясида КПСС XXVII съезди қарорлари асосида аҳоли турмуш маданиятини янада ўстириш юзасидан маҳаллий Советларнинг вазифалари белгиланди.

Шу куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг сессияси бўлди. Сессияда 1986—1990 йилларда Ўзбекистон пойтахтини иқтисодий ва социал ривожлантириш плани муҳокама қилинди. Шаҳар халқ контроли комитетининг иши тўғрисидаги ҳисобот тингланди.

(ЎзТАГ).

### КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1986 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

# ОШКОРАЛИК ВА ПРИНЦИПИАЛЛИК РУҲИДА

## Тошкент шаҳар партия активи йиғилишидан

Тошкент шаҳар партия активининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленуми қарорларини бажариш юзасидан шаҳар партия ташкилоти олдида турган вазифалар ошкоралик ва принципиаллик билан муҳокама қилинди. Ана шу масала бўйича Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин қилган докладда ва музокараларда қатнашган нотиқлар сўзларида партия ва хўжалик ҳаётини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари атрофлича таҳлил этилди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига жавобан шаҳардаги ўнлаб корхона ва ташкилот ўз зиммасига қўшимча оширилган мажбуриятлар қабул этганлиги мамнуният билан қайд қилинди. Ташаббус билан чиққан корхоналар сафига Октябрь Революцияси номли тепловоз-вагон ремонти заводи, 2-уйсозлик комбинати, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқаларни қўшиш мумкин. 13 мингдан зиёд ишчи эса Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига икки йиллик план топшириғини бажаришга аҳд қилганлиги омманинг жадаллаштиришга қўшаётган ҳиссаси ортиб бораётганидан далолат беради.

Ўтган ярим йилликда халқ хўжалигининг барча соҳаларида сезиларли силжишлар рўй берди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан пландаги 3,4 ўрнига 5,5 процент ортди. Пландан ташқари 35 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Жойларда иш услуби ва методларини қайта қуриш дуруст уддаланаётганлиги натижасида шаҳар бўйича халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, уй-жой ҳамда умумий таълим мактаблари қурилиши олти ойлик планлари адо этилди.

Бироқ деб таъкидлашди нотиқлар, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари иш услубида ҳали чуқур ўзгаришлар сезилмаяпти. Ой сайин саноат ишлаб чиқариш ўсиш суръати пасайиб кетмоқда. Олий сифат категорияли маҳсулот ишлаб чиқариш плани бажарилмай қолди. Капитал қурилишда асосий фондларни ишга тушириш топшириғи бой берилди. Транспорт, савдо, уй-жой, коммунал объектлар бўйича шикоятлар кўп. Салбий ҳоллар жуда секинлик билан бартараф этилмоқда. Бунга сабаб шуки, қайта қуришни ҳар ким ўзидан бошлашни унутиб қўйяпти. Қуйи бўғинга партиявий таъсир кучи тегишлича сингдирилмаяпти. Оқибатда 7 корхона маҳсулот ишлаб чиқариш, 6 корхона эса маҳсулот реализация қилиш планини уддалай олмади. 22 корхона ўтган йилгидан суръатни бўшаштириб юборди. Агрегат заводи, бош кийимлар, 2-пойабзал, бадиий буюмлар фабрикалари (Р. Акимов, М. Ҳасанова, Р. Отажонова, Л. Читалин) ишлаб чиқариш планини камайтириш йўлидан бормоқдалар. Октябрь (О. Асқаров), Собир Раҳимов (Т. Аҳмедов), Чилонзор (Б. Ефремов) район партия комитетлари эса юқоридаги ҳолларга принципиал партиявий баҳо бермаяптилар. Афтидан улар шаҳар партия комитетининг II пленумида ўз номларига айтилган қаттиқ танқиддан тегишли хулоса чиқариб олмаган кўринадилар. Июнь ойида 13 корхона планни камайтирганлиги оқибатида 3,6 миллион сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. Бунга металлни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси (М. Султонов, Н. Умаров), Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси (Ш. Аҳмадалиева, Л. Федорова) ва бошқа корхоналарни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар маҳсулот сифатига алоҳида эътиборни қаратдилар. Жумладан, шаҳардаги 1 ва 2-пойабзал фабрикалари ишлаб чиқарган пойабзалларга кўплаб эътирозлар олинмоқда. Масалан, ярим йил ичида 2-пойабзал фабрикаси тайёрлаган 7524 жуфт пойабзал брак қилинди. 1-пойабзал фабрикасида эса 1,5 миллион сўмлик 234 минг жуфт оёқ кийими савдо ташкилотларидан қайтариб юборилди. Фабрикадаги 11 потокдан фақат биттасигина олий сифат учун курашаётганлигини нормал ҳол деб бўладими?

Йиғилишда ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш жадаллаштиришнинг муҳим омили эканлиги алоҳида таъкидланди. Айрим корхона ва ташкилотлар раҳбарлари бу оддий ҳақиқатни тушуниб етмаяптилар. Чунончи «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида эски асбоб-ускуналар 60 процентни ташкил этади. Бир неча марта қаттиқ танқид қилинганига қарамай тўқимачилик комбинатида қайта реконструкциядан кўзланган мақсадга эришилмаяпти.

Шаҳар бўйича олий сифат категорияли маҳсулот ишлаб чиқариш плани 97,6 процентни ташкил этди. Ленин, Собир Раҳимов, Куйбишев районларида ана шу маҳсулот турларини тайёрлаш планлари бажарилмай қолди. Бунга сабаб район партия комитетлари (В. Ардатов, Т. Аҳмедов, Н. Емельянов) раҳбарларининг бу муҳим ишга юзаки муносабатда бўлаётганлиги оқибатидир.

Актив йиғилишида капитал маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Айрим корхона ва муассасаларда бу ишга панжа орасидан қаралмоқда. Масалан, шаҳардаги йигирув-тўқув фабрикаси қурилишига 64 миллион сўм ажратилган. 1980 йилдан бери қурилаётган бу объектда фақат 7 миллион сўмгина ўзлаштирилди, холос. Бундай шароитда жадаллаштириш тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин?! Шу йилга мўлжалланган планда эса 700 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Бу, ўтган йилдагидан анча камдир. Бу ҳақда корхона директори В. Жадов жиддий ўйлаб кўриши керак. Капитал қурилишдаги чалкашликлар 6- ва 10-туғруқхоналар қурилишида ҳам кўзга ташланади. Онкология ва радиология илмий-тадқиқот институти лаборатория корпуси қурилиши бошланганига 20 йилдан ошди. Бу борада Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш бошқармаси (Е. Зак) ишида сезиларли бурилиш бўлмаяпти.

Автотранспорт, трамвай-троллейбус хизматидаги камчиликлар тўғрисида кўплаб шикоятлар олинмоқда. Бу борада «Главташпассавтотранс» ва трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасидаги ўртоқлар жиддий ўйлашлари керак. Шаҳар илмий-тадқиқот институтлари ва муассасаларида кўзланган мақсадга эришишда ижодкорлик ва принципиаллик етишмаяпти. Жумладан, кейинги 25 йил ичида олимлар томонидан бирорта ҳам янги пахта териш машинаси яратилмади. Ваҳолонки, машиналарга арзимас янгилик қўшган юздан зиёд диссертация ёқланди.

Актив йиғилишида сўзга чиққан нотиқлар шаҳар экономикасини ривожлантиришга қўшиладиган ҳиссани кўпайтириш, олий таълим, ўрта махсус ўқув юртлари ва мактабларда ислоҳотни амалга оширишни жадаллаштириш хусусида атрофлича тўхталдилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига жавобан 1986 йилни ва умуман ўн иккинчи беш йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари ошириб бажариш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш, бунинг учун социалистик мусобақанинг таъсирчан кучини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Актив йиғилишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов нутқ сўзлади.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

**А. МАННОПОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

### ТАНИШИНГ: ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАР

# ЎН ОЛТИНЧИ РАИС



**Тошкент область Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Павел Фёдорович САУЛЬКИН портретига чизгилар.**

«Хўжаликнинг асосий тармоғи — пахтачилик ва чорвачилик. Минг гектардан зиёд экиладиган ер бор. Шундан 720 гектарида ғўза ўстирилади. Ўтган йили ҳар гектар ердан 34,5 центнердан пахта олиниб, социалистик мажбурият ҳам бажарилди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда «Октябрь 40 йиллиги» колхози Чиноз райони бўйича олдинги ўринларда. Ўтган йили фақат шу тармоқнинг ўзидан 621 минг сўм даромад кўрилди. Бир центнер тирик вазндаги гўшт таннархи 152 сўмни ташкил этди. Бу — бир килограмм гўшт таннархи 1 сўм 52 тийинданга тушди, демакдир. Бир соғувчининг йиллик даромади — 4136 сўм. Сувчиники — 3384, механизаторники эса 4184 сўмданга тўғри келди. Бу кўрсаткичлар ўн биринчи беш йиллик дастлабки йилига қиёсланганда 1,5—2 баравар кўпдир...»

Раис идорада бўлмагани сабабли уни кутиб, хўжалик мутахассислари билан бафуржа суҳбатлашиб қолдик. Улардан юқоридаги маълумотларни олиб турганимизда шошилганча колхоз партия комитетининг секретари Қўчқор Каранчалов келиб қолди.

— Пилладан мажбуриятимизни ошириб бажардик. Давлатга 11 тонна «кумуш тола» сотдик.

— Барг етиб бердими?

— Албатта, раисимиз Павел Федорович ҳаммасини аниқ ҳисоб-китоб қилиб қўйдирган.

— У киши ҳисобдан адашиш колхозчилар киссасига ўғирлик қилиш билан баробар, деб ҳисоблайди. — Шу сабабли 25 йилдан буён давлатдан бир сўм ҳам қарз олинмаган, — гапга қўшилади бош бухгалтер.

— Колхоз ташкил топганига 57 йил бўлган экан, нима учун сиз фақат 25 йилини тилга оляпсиз?

— Чунки янги раисимиз П. Саулькин хўжаликка келганига шунча бўлган. Аниқроғи, у ўн олтинчи раис...

Унинг янги раисимиз, дегани эришроқ туюлди. Бош бухгалтер сўзларнинг ҳам ҳисоб-китобини ўрнига қўйишига ишонганимиз учун бу гап тафсилотини сўрашга шошилмадик. Лекин «нега янги, нима учун?» деган савол хаёлдан кетмасди.

— Раиснинг ўзи тушликда бўлса керак?

— Йўқ, далада, — деди кимдир.

Унинг товуш оҳангидан раисни ҳимоя қилаётгани сезилиб турарди.

Овоз берган киши билан правление ҳовлисида анча вақт суҳбатлашдик. Исми-шарифи Саъдулла Назиров, тўртта фарзанди бор экан.

— Боя нима учун ёлғон ишлатдингиз. Ахир, ҳисоб-китобни яхши кўрган одам пешин пайтида тушликка чиқмайдими?

— Тўғри, кечирасиз... Ҳар қалай, раисимизга гард юқишини ҳам истамаймиз. Чунки у ҳақиқий инсон — камтар, беғубор, меҳнатсевар. Одамларнинг ўй-дилидагини кўра олади. Кўриш, ҳис қилиш бошқа, амалий иш бошқа, дейишади. Раисимиз ана шу кейинги сўзга амал қилади.

У бироз тин олиб, хаёл оғушига берилди. Сукунатни радиодан берилаётган шўх қўшиқ бузиб турарди. У бир неча дақиқадан сўнг қадоқ босган қўлини чаккасига босиб, жилмайди:

— Эсладим, лекин йили ёдимдан кўтарилибди. Кузги юмушлар ниҳоясига етганда раис уйма-уй айланиб юриб, менга ўхшаган оддий колхозчилар турмуш шароити билан танишиб юрарди. Комил ака Йўлдошев хонадонига у билан бирга киришга тўғри келганди. Кичкина ҳовли, пастаккина уй. Олти бола бир хонада чуғурлашарди. Меҳнат офтобидан қорайиб кетган тажрибали деҳқон Комил аканинг уй шароитини кўрган раис жуда ўнғайсизланди. Ўз даласидан бошқа нарсани ўйламайдиган, ҳар қандай топшириқни бажаришга тайёр турадиган бундай одамлар колхозда кўплигини у билмаслиги мумкин эмасди.

— Ҳалол меҳнатингиз учун раҳмат,— деди у Комил акага қўлини узатиб. —Уйни эса совуқ тушгунча қуриб берамиз.

Бригада бошлиғи Муҳаммаджон Тоштемировнинг ҳам уй-жойи раисга ёқмади. Шундай шароитда яшаб, бирор марта шикоятга оғиз очмаган, коллектив учун кутилганидан зиёд обрў келтираётган бундай кишиларга унинг ҳам ҳаваси келаётгани, ҳам жони ачиётгани нигоҳидан шундоққина сезилиб турарди.

— Қишгача ҳашар йўли билан янги уй тиклаб берамиз...

Шундай бўлди. Ўшанда у билан бир неча хонадонни биргаликда айланганимизда «Павел аканинг мақсади колхозчиларнинг уй-жой шароитини яхшилаш бўлса керак» деб янглишган эканман. Бу хатоимни келгуси йил баҳорида қатор маданий-маиший объектларда қурилиш авж олиб кетганда тушуниб қолдим. Раисимиз колхоз территориясида яшовчи турли касб эгалари билан суҳбатлашганда уларнинг бугун ва эрталарини кўра олган эди. Шу йили 536 ўринли ўрта мактаб, стадион, 500 ўринли клуб, кутубхона, сартарошхона ва бошқа маиший биноларга пойдевор қўйилди.

Раисимиз колхоз келажагини фан-техника ютуқлари, механизациясиз, малакали кадрларсиз тасаввур қилолмаслигини кўп гапирарди. Ўн уч нафар йигит-қизни олий ўқув юртларига кузатганда ва улар диплом билан ўз қишлоқларига қайтиб келганларида унинг ёш боладек қувонишини кўрсангиз эди. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганларидек, яна ўн тўрт нафар ёш ҳунар-техника билим юртларига отланди. Ўнлаб йигит-қизлар механизаторлик курсини битиришган. Хўжаликдаги 140 га яқин техника воситасининг унумли ишлатилишида ана шуларнинг билим-тажрибаси асқотяпти. Илгари қамиш томли уйларда яшаган колхозчилар турмушини эндиликда шаҳарликларникидан ажратиб бўлмайди. Асфальтланган йўллар ва йўлкалар, бош план асосида саф тортган шинам ва ёруғ уйлар.

Аввал иқтисод, кейин сиёсат, дейди халқимиз. Павел акамиз ҳам ана шундай турмуш шароитига эга бўлишимизда колхоз экономикасини ривожлантириш масаласини биринчи планга қўйиб янглишмади. Ўтган йилнинг ўзидагина хўжалигимиз жами 2 миллион 230 минг сўмга яқин даромад кўрди. Даромадга қараб буромад, деганларидек кўрилган фойданинг асосий қисми техника, социал-маиший хизмат ва капитал қурилиш учун, хўжалик аҳли меҳнатини рағбатлантириш, ишдан бўш вақтлари ва отпускаларининг мазмунли ўтиши учун сарфланмоқда. Ўйлаб кўринг, колхоз правлениеси ишидаги социал адолат принципи, меҳр-оқибат, самимийлик ва ғамхўрликни юракдан сезиб турган одам қандай қилиб жонажон колхозидан бошқа ёққа кета олади? У бундай ғамхўрликка ҳалол, виждоний, зарбдор меҳнати билан жавоб беришга интилади. Менимча кадрлар барқарорлиги, коллективимиз аҳиллиги, ютуқларимиз аниқлиги шулар туфайлидир.

Соат роппа-роса ўн бешда жуссадор, юришларидан ўзига ишонган ва мағрур, ўрта ёшлардаги истараси иссиқ бир киши муюлишдан биз томон бурилди. Унинг кўриниши хотиржам, вазмин, иродали эканлигини сездириб турарди.

— Янги раисимиз,— деди ҳамсуҳбатим.

...Раис ўз хонаси томон одимларкан унинг юришларидан аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қиладиган одам эканлиги билиниб турарди. Ғўза парваришидек долзарб иш унинг вужудига ҳорғинлик соясини сололмаган кўринарди.

— Ишлар кўпдир?..

— Эпласа бўлади,—деди у яна хотиржам,— бизда ҳамма иш мутахассисларга бўлиб берилган. Ҳар бири маълум участкага жавоб беради. Раис ва партком секретари ана шу участкалардаги ишнинг ташкил этилиши, боришини назорат қилиб боради. Қаерда узилиш ёки бурилиш бўлса ўз муносабатини билдиради. Моддий ва маънавий ёрдам уюштиришга ҳаракат қилади. Участка масъуллигини олган мутахассислар эса ҳар куни кечқурун амалга оширилган иш хусусида ҳисобот беради. Бугунга якун ясалиб, эртанги кунга режа тузилади.

У салмоқлаб гапираётганда сўзни ҳам, вақтни ҳам тежашга ҳаракат қилаётганини кўзлари айтиб турарди. Дарвоқе, раиснинг хатти-ҳаракатлари, амалий ишлари ҳозирги жадаллаштириш талабларига ҳамоҳанг тушаётган эди. Дарҳақиқат, ҳар бир раҳбар, ҳар бир киши ўз иш жойида тартиб ўрнатса, виждони буюрган ишни қилса ва унга ўзини жавобгар ҳис қилса муаммолар ечилади, албатта. Гарчанд Павел Федоровичнинг айрим ишлардан қўли бўшаган бўлса ҳам, хаёли қатор ташвишлардан ҳоли эмасди. У съездлар йилида 90 тонна гўшт, 736 тонна сут, 145 минг дона тухум, 11 тонна пилла, 2450 тонна пахта етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилишини билса-да, бу кўрсаткичларни янада кўпайтириш йўлларини ўйларди. «Бунинг бирдан-бир йўли—инсон омилини активлаштиришга эришиш,— деб ҳисобларди у.— Мақсадга етмоқ учун эса одамларнинг ишлаши ва яшаши учун энг қулай шароит яратиб бериш, қўл меҳнатини техника зиммасига юклаш даркор. Бу ишларни ҳал этишда тракторчи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор Василий Биборев, тажрибали механик ҳайдовчи, коммунист Ўктам Хўжамқулов, чорвадор Акром Шерматов, агроном-энтомолог Камол Бойбеков, бош инженер Владимир Ручь сингари қатордаги норлари — ишонган тоғлари бор унинг. Энг муҳими одамлар кўнглини овлай билишда, меҳнатига яраша баҳолай олишда».

... Яқинда у билан яна учрашдик. Раис соатига қараб қўйди. Афтидан идорада узоқ ўтиришга ҳуши йўқ, бинобарин зарур ишлар кутиб турганга ўхшарди. Жумладан, колхозчилар хонадонини тўла водопроводлаштиришни туғаллаш, қишлоқларни газлаштириш, маданият саройи ва маиший хизмат уйи қурилишлари лойиҳасини тегишли ташкилотлар билан маслаҳатлашиш лозим эди. Шу тобда уни кечиктириб бўлмайдиган ишлар кутаётганини сезиб ўнғайсизландик. Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени ёнига Қаҳрамонлик Олтин Юлдузи қўшилгани қувончини яшираётган камгап раиснинг камтарлигига ҳавасимиз келарди. Тошкент область Советининг депутати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Павел Федорович Саулькин хонадан чиқаётганда бизнинг табригимизга жавобан шундай деди:

— Бу — коллективга берилган мукофот. Мен яхши одамлар билан ишлаш бахтига муяссар бўлганимдан, партия ва ҳукумат бизга катта ғамхўрлик кўрсатаётгани ва ишонч билдирганидан ғоят бахтиёрман...

У билан хайрлашаётганимизда С. Назировнинг «Янги раисимиз» ибораси яна ёдга тушди. Нега шундай деди? Унинг доимо янгиликка интилиши, партия ҳужжатларидаги йўл-йўриқларга қатъий амал қилиши, давр талабларига ҳамоҳанг қадам ташлаши, ўзини эмас, кўпчиликни ўйлаши ва янгича ишлаш кўникмаларини назарда тутдимикан?! Ҳар ҳолда шундай бўлса керак...

**М. АБДУНАБИЕВ.**

# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

## Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф, Маданият, Соғлиқни сақлаш министрликлари

### ЎЗБЕКИСТОН ССРда ТУҒИЛИБ ЎСГАН КИШИЛАРДАН МАМЛАКАТИМИЗ МАРКАЗИЙ ШАҲАРЛАРИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

*1986—1987 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН*

# СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ҚУЙИДАГИ БАЗА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЗИММАСИГА ЮКЛАТИЛГАН:**

### АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИДА

**Москва пўлат ва қотишмалар институтига:** металлшунослик, металларга термик ишлов бериш асбоб-ускуналари ва технологияси, металларга босим ёрдамида ишлов бериш.

**Москва энергетика институтига:** ёруғлик техникаси ва ёруғлик манбалари.

**Москва нефть-химия ва газ саноати институтига;** газ ва нефть қувурларини, газ омборлари ва нефть базаларини барпо қилиш.

**Бауман номидаги Москва олий техника билим юртига:** ярим ўтказгичли ва электровакуумли машинасозлик.

**Москва нозик химиявий технология институтига:** биологик актив бирикмалар химиявий технологияси.

**Москва полиграфия институтига:** полиграфия машиналари.

**Москва енгил саноат технологияси институтига:** полимер плёнка материаллари ва сунъий чарм технологияси.

**Москва химия-технология институтига:** органик бўёқлар ва оралиқ маҳсулотлар химиявий технологияси.

**Москва тўқимачилик институтига:** нотўқима тўқимачилик материаллари ишлаб чиқариш.

**Москва ўрмон техникаси институтига:** ўрмон ва ёғочсозлик саноати машина ва механизмлари.

**Москва электротехника алоқа институтига:** алоқа корхоналари машина ва ускуналари.

**Ульянов-Ленин номидаги Ленинград электротехника институтига:** электрон-медицина аппаратлари.

**Ленинград ўрмон техникаси академиясига:** ёғочларнинг химиявий технологияси, целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариши химиявий технологияси, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати экономикаси ҳамда уни ташкил этиш.

**Ленинград тўқимачилик ва енгил саноат институтига:** нотўқима тўқимачилик материалларини ишлаб чиқариш.

**Ленинград кончилик институтига:** фойдали қазилмаларни бойитиш.

**Ленсовет номидаги Ленинград технология институтига:** лаклар, бўёқлар ва лак-бўёқ қопламаларининг химиявий технологияси.

**Ленинград политехника институтига:** металларга босим ёрдамида ишлов бериш.

**Ленинград кино инженерлари институтига:** кино аппаратураси, овоз техникаси, кино-фото материалларининг химиявий технологияси.

**Ленинград аниқ механика ва оптика институтига:** теплофизика.

**Киев инженерлик-қурилиш институтига:** қурилишни автоматлаштириш ва комплекс механизациялаш.

**Киев енгил саноат технологияси институтига:** чарм маҳсулотларининг конструкциясини яратиш.

**Киев политехника институтига:** электр системалари кибернетикаси, теплофизика, гидропневмоавтоматика ва гидропривод, ахборот-ўлчов техникаси.

**Магнитогорск кон-металлургия институтига:** кончилик иши.

**Ивано-Франковск нефть ва газ институтига:** газ ва нефть қувурлари, газ омборлари ва нефть базаларини барпо этиш, нефть ва газ саноати экономикаси ҳамда уни ташкил этиш.

**Львов политехника институтига:** қурилиш материаллари саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

**Жданов металлургия институтига:** металлшунослик, металларга термик ишлов бериш ускуналари ва технологияси, металлургия ва пайвандлаш ишлаб чиқариши технологияси, металларга босим ёрдамида ишлов бериш.

**Белоруссия политехника институтига:** аниқ-механика приборлари, кино аппаратураси.

**Иваново энергетика институтига:** иссиқлик энергетика жараёнларини автоматлаштириш.

**Қозон химия-технология институтига:** электрохимия ишлаб чиқариши технологияси, пластмассалар химиявий технологияси, лаклар, бўёқлар ва лак-бўёқ қопламалари химиявий технологияси, кино-фото материаллар химиявий технологияси.

**Уфа нефть институтига:** газ-нефть қувурлари, газ омборлари ва нефть базаларини лойиҳалаш ҳамда улардан фойдаланиш, газ-нефть қувурларини, газ омборларини ҳамда нефть базаларини барпо этиш.

**Воронеж политехника институтига:** электрон техника махсус материаллари технологияси.

**Воронеж ўрмон техникаси институтига:** ўрмон ва ёғочсозлик саноати машина ва механизмлари, ўрмон инженерлик иши.

**Минск радиотехника институтига:** ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар.

**Рязань радиотехника институтига:** электрон приборлар.

**Севастополь приборсозлик институтига:** радиотехника.

**Сибирь технология институтига:** целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариши машиналари ва аппаратлари.

### В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА

**Москва геодезия инженерлари институтига:** аэрофотогеодезия, картография.

**Москва давлат университетига:** математика, механика, физика, геофизика, илмий коммунизм, генетика, микробиология, ботаника ва зоология, сиёсий иқтисод, философия, журналистика.

**Ленинград химия-фармацевтика институтига:** биологик актив бирикмалар химиявий технологияси.

**Ленинград давлат университетига:** генетика, микробиология, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм, журналистика.

**Қозон давлат университетига:** илмий коммунизм.

**Белоруссия давлат университетига:** сиёсий иқтисод, философия.

**Ростов давлат университетига:** сиёсий иқтисод, философия, металлар физикаси, илмий коммунизм.

**Урал давлат университетига:** сиёсий иқтисод, философия, илмий коммунизм.

**Томск давлат университетига:** сиёсий иқтисод, философия, КПСС тарихи.

### ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИДА

**Москва полиграфия институтига:** полиграфия саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

**Москва бошқарув институтига:** қурилишда бошқаришни ташкил этиш.

**Москва экономика-статистика институтига:** иқтисодий кибернетика.

**Ленинград политехника институтига:** бинокорлик материаллари саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

**Ивано-Франковск нефть ва газ институтига:** нефть ва газ саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

**Украина полиграфия институтига:** киношунослик ва китоб савдосини ташкил этиш.

**Бутуниттифоқ кинематография давлат институтига:** кинематография экономикаси.

### ТОШКЕНТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИДА

**Москва 2-медицина институтига:** биофизика, биохимия.

### ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИДА

**Москва давлат маданият институтига:** кутубхонашунослик ва библиография.

### НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА

**Владимир давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

#### НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИДА

**Курск давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

### РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ИНСТИТУТИДА

**Москва давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

**Волгоград давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

### ТЕРМИЗ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА

**Саратов давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

### НАМАНГАН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА

**Ставрополь давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

### ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА

**Винница давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

### САМАРҚАНД ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА

**Кировоград давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

**Тамбов давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА

(Ангрен шаҳри)

**Горький давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

### АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА

**Херсон давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

**Тамбов давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

### СИРДАРЁ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА

**Киров давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

### БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА

**Белгород давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

### ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА

**Балашов давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

**Полтава давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

### ҚАРШИ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА

**Ворошиловград давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

### НУКУС ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА

**Таганрог давлат педагогика институтига:** рус тили ва адабиёти.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИДА

**П. И. Чайковский номидаги Москва давлат консерваториясига:** фортепьяно, оркестр асбоблари, композиция, музикашунослик.

**Суриков номидаги Москва давлат бадиий институтига:** тасвирий санъат.

**Гнесинлар номидаги давлат музика-педагогика институтига:** оркестр асбоблари, халқ асбоблари.

**В. А. Луначарский номидаги давлат театр санъати институтига:** музикали театр режиссураси.

**Б. В. Шчукин номидаги театр билим юртига:** драматик театр ва кино актёри.

**Москва давлат маданият институтига:** маданий-оқартув ишлари.

**Москва тўқимачилик институтига:** тўқимачилик ва енгил саноат буюмларини бадиий безаш ҳамда моделлаштириш.

**Н. А. Римский-Корсаков номидаги Ленинград давлат консерваториясига:** музикашунослик.

**Н. К. Черкасов номидаги Ленинград давлат театр, музика ва кинематография институтига:** музикали театр режиссураси, театршунослик.

**Ленинград бадиий-саноат билим юртига:** саноат санъати.

**П. И. Чайковский номидаги Киев давлат консерваториясига:** ашула, хор дирижёрлиги.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР КИНЕМАТОГРАФИЯ ДАВЛАТ КОМИТЕТИДА

**Бутуниттифоқ давлат кинематография институтига:** адабий иш, кино операторлиги, киношунослик, тасвирий санъат.

## ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ:

**Мамлакатимиз марказий шаҳарлари олий ўқув юртларига кирувчи абитуриентлар 1 августдан 20 августгача кириш имтиҳонлари топширадилар. Ҳужжат туғилган вақтидан бошлаб доимий равишда Ўзбекистонда яшаб келаётган ва республика ўқув муассасаларидан ўрта маълумот тўғрисида ҳужжат олган кишилардангина қабул қилинади.**

**Республикаларнинг марказий олий ўқув юртларига ўқишга кирувчилар тегишли база олий ўқув юртлари ректори номига ёзилган 2 аризага қуйидагиларни қўшиб тақдим этадилар: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли) медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 см), меҳнат дафтарчасидан корхона раҳбари томонидан тасдиқланган кўчирма (ишловчилар учун).**

**Конкурсдан ташқари қабул тартибида санъат ва журналистика мутахассислиги бўйича ўқишга кирувчилар улар ўқишга юбориладиган олий ўқув юртларида барча фанлар бўйича кириш имтиҳонларини июль ойида топширадилар. Марказий олий ўқув юртларига юбориш учун номзодлар 1986—1987 ўқув йили учун СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг буйруғига мувофиқ барча предметлар бўйича кириш имтиҳонларидан ўтган ва уларни яхши, аъло баҳолар билан топширган, ҳамда мазкур олий ўқув юртларида таълим олиш хоҳишини билдирган кишилардан танлаб олинади.**

**Бунда амалий иш тажрибасига эга бўлган, шунингдек, СССР Қуролли Кучлари сафларидан запасга бўшатилганларга имтиёзлар берилади.**

**Студентлар сафига қабул қилинган абитуриентлар ётоқхона билан таъминланади. Умумий асосларда стипендия тўланади. Олий ўқув юртини битирганлар ўз ихтисоси бўйича ишлаш учун Ўзбекистон ССРга юбориладилар.**

**Қизиқтирган саволлар бўйича маълумотлар олиш учун Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига (телефон 39-14-15) ва конкурсдан ташқари қабул қилишни ташкил этаётган республика олий ўқув юртларининг қабул комиссияларига мурожаат қилинсин.**

# «Главсредазирсовхозстрой»

## ТЕХНИКУМЛАРГА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

### ОҚОЛТИН ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Сирдарё области, Оқолтин райони, Сардоба посёлкаси, 17-совхоз)

**Кундузги ўқишга:** қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидромелиорация, автомобиль транспортидан фойдаланиш, гидромелиорация ишларини механизациялаш, автомашиналарга техника хизмати кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш, қурилишда бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалигида граждан қурилиши.

**Сиртқи ўқишга:** қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, автомобиль транспортидан фойдаланиш, қурилишда бухгалтерия ҳисоби.

### ЯНГИЕР КОММУНАЛ ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Янгиер шаҳри, Набережная кўчаси, 7-уй)

**Кундузги ўқишга:** саноат ва граждан қурилиши, биноларнинг техник эксплуатацияси, биноларнинг санитария-техникавий тузилиши, қурилишда бухгалтерия ҳисоби.

**Сиртқи ўқишга:** саноат ва граждан қурилиши, қурилишда бухгалтерия ҳисоби.

### ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКУМИ

(Жиззах шаҳри, Х. Носиров кўчаси, 3-уй)

**Кундузги ўқишга:** саноат ва граждан қурилиши, гидротехник қурилиш, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш, қурилишда планлаштириш.

**Кечки ўқишга:** саноат ва граждан қурилиши.

**Сиртқи ўқишга:** гидротехник қурилиш, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш, қурилишда планлаштириш.

### ЗАФАРОБОД ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Тожикистон ССР, Ленинобод области, Зафаробод посёлкаси, Титов кўчаси, 3-уй)

**Кундузги ўқишга:** қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидромелиорация, автомобиль транспортидан фойдаланиш, гидромелиорация ишларини механизациялаш.

**Сиртқи ўқишга:** қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидромелиорация, автомобиль транспортидан фойдаланиш.

### ИЛЬИЧ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКУМИ

(Жиззах области, Пахтакор райони, Акмал Икромов номли 26-совхоз)

**Кундузги ўқишга:** агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, автомобиль транспортидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби, зоотехника.

**Сиртқи ўқишга:** агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, автомобиль транспортидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби.

### ҚАРШИ ПОЛИТЕХНИКУМИ

(Қарши шаҳри, Ленин кўчаси, 83-уй)

**Кундузги ўқишга:** электр станциялари, тармоқлари ва системалари, сув хўжалиги системаларининг автоматик қурилмаларидан фойдаланиш, гидротехник қурилиш, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш, автомашиналарга техника хизмати кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш, қурилишда бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалик ва граждан қурилиши.

**Сиртқи ўқишга:** гидротехник қурилиш, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш, автомашиналарга техника хизмати кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш, қурилишда бухгалтерия ҳисоби.

### НУКУС ШОЛИКОРЛИК ТЕХНИКУМИ

(Нукус шаҳри, Микрорайон, 24-квартал)

**Кундузги ўқишга:** қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, қурилишда бухгалтерия ҳисоби.

**Сиртқи ўқишга:** гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш.

### ШАҲРИСАБЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ТЕХНИКУМИ

(Шаҳрисабз шаҳри, К. Маркс кўчаси, 28-уй)

**Кундузги ўқишга:** агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби, автомобиль транспортидан фойдаланиш.

**Сиртқи ўқишга:** агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, автомобиль транспортидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби.

## ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ:

**Техникумларга кириш учун ўрта махсус ўқув юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси, иш тажрибасига эга бўлганлар меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат .**

**Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт ва ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.**

**Бошқа шаҳарлардан келиб техникумга кирганлар ётоқхона билан таъминланади.**

Р. — 08893. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Б. — 174. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12